

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманинаги «Севарсой» санаторийисида «Санатор-курорт тартибида даволашнинг замонавий жиҳатлари, тиббий реабилитация ва туризм» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган ўшбу нуфузли анжумандаги етмишдан ортиқ давлатдан вакиллар, хусусан, Хитой, Россия, Монголия, Италия, Ироил, Болгария, Чехия, Қозогистон, Беларусь, Шимолий Македония, Қирғизистон, Тожикистон ва Озарбайжондан соҳа мутахассислари, олимлар, врач-шифокорлар иштирок этишид.

Замонавий санатор-курорт соҳасининг илгор тажрибаларини ўрганишни, ўзаро тажриба алмашишини мақсад қилган анжуман Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, сенатор Кудратилла Рафиқовнинг конференция иштирокчиларига қутлов сўзи билан очилди.

Ishonch

О‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991- yil 21-martdan chiqa boshlagan

2023-yil
27-may
shanba
№ 66 (4818)



Санатор-курорт тартибида даволаш: ИЛГОР ТАЖРИБАЛАР, ЗАМОНАВИЙ ЙУНАЛИШЛАР



■ Президент Шавкат Мирзиёев 26 май куни Тошкент шаҳри Чилонзор саноат зонасидаги корхоналар фаолияти билан таниши.

■ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 май куни «Air Products» компанияси бош ижорчи директори Сейфий Гасемини қабул қилди.



2



Касаба уюшма аралашгач...

ДИРЕКТОР вазифасидан ноҳақ бўшатилган эди

Сўх туманида яшовчи Форсанжон Мирзоевнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари бузилгани ва ишга тиклаш бўйича қўлган мурожаати Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши ҳуқуқшунослари томонидан ўрганиб чиқилди.

Маълум бўлишича, Ф.Мирзоев шу пайтacha Сўх туманинаги 2-мактабда директор лавозимида ишлаб келган. Бироқ иш берувчининг бўйрги билинган узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши бош юрисконсульти

Ўрганишлар давомида меҳнат шартномасини бекор қилишда амалдаги меҳнат қонунчилиги талаблари бузилгани аниқланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши мурожаатчи Ф.Мирзоевни ишга тиклаш ёки ўз мутахассислиги ва малакасига мос келдиган иш билан таъминлаш бўйича Мактабгача ва мактаб таълими вазириларiga тақдимнома киритгач, у Сўх туманинаги 2-мактаб директори лавозимида ишга тикланди.

Авазхон Тўрхўжаев,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг
Фарғона вилояти кенгаши бош
юрисконсульти

Маълумки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлиқда тез-тез ҳар тадбирлар ўтказади. Навбатдаги тадбир «Норасмий иқтисоддан расмий иқтисод сари» лойиҳаси асосида Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси томонидан ташкил этилди.

НОРАСМИЙ ИҚТИСОДДАН РАСМИЙ ИҚТИСОД САРИ

Ундан кўзланган асосий мақсад 40 нафар тармоқ касаба уюшма фарзининг аҳоли меҳнат ҳукукларини химоя қилиш борасидаги билим ва тажрибаларини ошириш, шунингдек, норасмий иш билан банд булганларга кўмаклашиб механизмларини ўргатишдан иборат бўлди.

Машғулотларнинг дастлабки кунда касаба уюшмаларининг жамиятдаги роли ва вазифалари тушунтириди ҳамда ҳориж касаба уюшмаларининг тажрибалари ўрганилди. Иккинчи куни Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳуқуқий ваколатлари, чунончи, мухим конференциялар хусусида сўз юриттиди. Учинчى куни но-

расмий равишда ишловчилар билан ўзаро муносабат ўрнатиб, тушунтириш ишларини олиб боришдан ташқари, зарур хизматлар кўрсатадилар, фуқаролик ва меҳнат ҳукукларини химоя қилалилар, манбаётдир томонлар билан бирга меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ижтимоий шериклик жорий этилишида фаол қатнашадилар. Бу эса норасмий банд булганларнинг ижтимоий ва меҳнат ҳукукларини химоя қилиш кучайшишга, тармоқда норасмий бандлик улуши камайишига хизмат қиласди.

Умидда Ҳудойберганова
«ISHONCH»

■ Ўзбекистон инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лазиз Кудратов Буюк Британия Экспортни молиялаштириш агентлиги (UK Export Finance – UKEF) бош ижорчи директори Тим Рид билан музокаралар ўтказди.

■ Ўзбекистон инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лазиз Кудратов Сингапур меҳнат ресурслари вазири, савдо ва саноат иккичи вазири Тан Си Ленг билан учрашиди.

■ Навоий вилояти, Хатирчи туманининг «Олтинсон» маҳалласидаги шоир Амиркул Пўлкан боғи Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги Бахшичилик мактаби ижодий жамоаси иштирокида «Саҳро баҳшилари» мусиқий фестивали бўлиб ўтди.





Сайдакбор Абдурахимов отган сурʼатлар

Халқаро анжуман

Санатор-курорт тартибида даволаш: ИЛГОР ТАЖРИБАЛАР, ЗАМОНАВИЙ ЙУНАЛИШЛАР

<< 1

Шундан сўнг иштирокчиларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Санатор-курортлар бошқармаси бошлиғи Анвар Аҳмедов мамлакатимизда санатор-курорт тартибида даволашнинг ташкил қилиниши ҳақида батафсил мəълумот берди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришнинг қамров ва сифатни кенгайтириш борасида кенг кўлами ишлар амалга оширилоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида 7 минг ўриндан ортиқ 31 та санаторий мудавфақияти фаoliyati кўрсатмоқда. Санатор-курорт муассасаларида 3552 нафардан ортиқ, жумладан, 272 нафар шифокор ва минг нафардан зиёд ходим меҳнат қўлмоқда.

2022 йилда санатор-курорт муассасаларида бўлгандар 2016 йилдаган ўртача 1,2 барабарга, реабилитациядан ўтганлар сони эса 1,3 барабарга ошган. Беморларнинг доимий мониторинги олиб борилади ва санатор-курорт муассасалари профил мунтазам равишда таҳлил килинади.

Энг муҳими, бу борадаги ишлар изчил давом этирилоқда. Қамров ва сифатни кенгайтириш максадида янги санаторийлар бунёд этиляпти. Тошкент вилоятининг Чимён тоф-курорт мажмуасида ўтган



или фойдаланишга топширилган «Севарсой» санаторийи ҳам шулардан биридир.

Тадбир доирасида иштирокчилар санаторийида яратилган шароитлар билан танишиди.

Анжуман давомида соҳадаги муҳим масалалар муҳокама қилинди. Узаро таҳриба алмашибди. Мутахассислар ўзларининг қизиқарли маърузаларини таҳдим этишиди. Хусусан, Италияниң Падуа университети профессори Стефано Масиеронинг «Термал шароитда реабилитация», «Ковиддан кейинги даворда Италиядаги ҳолат ва истиқболлар», Истроил тиббиёт ассоциацияси раиси ўринbosari Алекс Левиннинг «Палаткадан замонавий юқори технологияли тиббиёт хизмат», Хитой жисмоний тиббиёт ва реабилитация жа-

мияти раҳбари Моуван Чойнинг «Хитойда тиббиёт реабилитация сифатининг назорати», Болгариядаги Жануби-Шарқий Евropa давлатлари форуми раҳбари Андрей Кехаевнинг «Болгарияда СПА ва соғломлаштириш тизимида замонавий тенденциялар. Пампорова курорти ва унинг СПА ҳамда туристик объектлари» каби илмий маърузали иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Конференцияда бошқа давлатларнинг методлари билан танишиб, уларни ўргандик, – дейди Италиядаги Падуа университети профессори Стефано Масиеро. – Ўзбекистондаги бир қатор санаторийлардаги шарт-шароитлар билан танишидим. Биринчидан, уларнинг жойлашви жуда чиройли ва ҳайратланарли. Сизлардаги шароит,

сизлардаги билим ва кўнинмалар соҳани бундан да ривожлантириш учун етарли. Биз ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

– Конференцияда иқлимий ёки бетакор ландшафт ёрдамида даволаш, пейзажлар ёрдамида психотептив даволаш усулларидан фойдаланиш, уйку курорти орқали даволаш, ушбу йўналишдаги илмий изланишлар хусусида сўз борди, – дейди Беларуснинг «Белпрофсоюзкурорт» УК бosh директорининг даволаш ишлари бўйича ўринbosari Андрей Каминский. – Мазкур муолажа психофизиологик таъсири билан биринчидан турдиган даволаш усулларидан фойдаланишга таъсирни танишишни мавжуд. Анжумандан бу борадаги қарашлар ва янгиликлар илгари суръиди. Умуман олганда, тадбир билим ва маълака оширишда катта аҳамиятга эга буди. Таассуротларимиз катта.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Санатор-курортлар бошқармаси билан Падуа университети, Россия курортология илмий текшириш институти ва Жануби-Шарқий Евropa давлатлари Форуми ўртасида меморандум имзоланди.

Иштирокчилар «Оқтош», «Заркент» ва «Чинобод Плаза» санаторийларида дам оловчиларга яратилган шарт-шароитлар, хусусан, муолажа турлари, тибий асбоб-ускуналар, сув билан даволаш бўлимидаги даволаш усуллари билан ҳам яқиндан танишиши.

– Умумий мақсад бир эди, – дейди Хитой жисмоний тиббиёт ва реабилитация жамияти раҳбари Моуван Чойнинг «Хитойда тиббиёт реабилитация сифатининг назорати», Болгариядаги Жануби-Шарқий Евropa давлатлари форуми раҳбари Андрей Кехаевнинг «Болгарияда СПА ва соғломлаштириш тизимида замонавий тенденциялар. Пампорова курорти ва унинг СПА ҳамда туристик объектлари» каби илмий маърузали иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Иккиси кунлик анжуман сўнгига мөхмонарлариниң Самарқанд шаҳрига саёҳати уюстирилди.

**Нилуфар АБДУМАЛИКОВА,
Мадина ПУЛАТ кизи,
«ISHONCH» мухбирлари**

Сўранг, жавоб берамиз...

Савол: Бир танишиминнинг жиёни мамлакатимиздаги қўшма корхонада ишлаб, доимий яшаб келаётган чет эллик киши билан турмуш қўярпти. Никоҳни йигитнинг хоҳишига кўра, унинг юртида расмилаштиришмоқчи. Бу никоҳ, Ўзбекистонга қайтиб келгач, қонуний ҳисоблашадими?

Зоҳид УСМОНОВ
Жомбай тумани

**ХОРИЖДА
РАСМИЙЛАШТИРИЛГАН
НИКОҲ МАМЛАКАТИМИЗДА
ХАҶИЙИ
ҲИСОБЛАШДИМИ?**



ЖАВОБ: Оила кодексига кўра, бошқа давлат худудида ўша давлатнинг қонун хужжатларига риоя қилинган холда Ўзбекистон фуқаролари ҳамда Ўзбекистон фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида тузиленган никоҳлар, агар юртимиз қонунларида назарда тутилган никоҳ тушишга монелик қиласидаги ҳолатлар (никоҳланувчилардан лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахс эканлиги, насл-наса шажараси бўйича тўғри туташган қариндош ёки тутған ва ўғай ака-ука билан опа-сингил эканлиги, шунингдек, улардан лоақал биттаси рўхий қасаллиги сабабли суд томонидан мувалага лаёқатсиз деб топилган шахс эканлиги) бўймаса, Ўзбекистонда ҳақиқий деб этироғи этилади.

Мамлакатимизда доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар оиласи муносабатларда Ўзбекистон фуқаролари билан тенг хуҷуклардан фойдаланади ва тенг мажбуриятларга эта бўйлишиади.

Хуҷук ва халқаро ҳаёт бўйими

Тошкент вилояти

Лойиҳа мъқулланди

Олмалиқ кон-металлургия комбинати ходимлари касаба уюшмаси кенгаши маъмурлият билан келишган ҳолда жамоа шартномасига янгилини ва ўзгартиришлар киритиб, янада тақомиллаштироқда. Бунинг барчаси комбинат меҳнаткашлари бугунги кунидан рози бўлиб, фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун амалга оширилаётган ишлар, десак, муболаға бўлмайди.



Бирга олиб борувчи ходимларга кафолатлар ва компенсациялар каби бандлар ўз аксими топгани эътироф этилди.

Касаба уюшмаси кенгаши раиси Абдурашид Ҳайдаров ходимларга зарарли ишлаб чикариш омилларидан холи бўлган, бехатар меҳнат шароитлари яратиб берилши устидан касаба уюшмалари нинг доимий жамоатчилик назоратини ташкил қилиш, фаолларнинг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги билим, кўнинмаларини янада оширилаётган ишлар, инвестиция лойиҳалари, янги барпо этилаётган корхоналар ҳамда келажадаги истиқболи режалар ҳақида сўз юритилди.

Комбинатнинг аввалини жамоа шартномаси 16 бўлим 186 та банддан иборат бўлган, янгиси эса 18 бўлим ва 230 та бандни ўз ичига олмоқда. Янни кўшимча меҳнат таътиллари, мукофот пуллари миқдорининг оширилиши, ходимларни касаба тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ишни таълим билан

Конференция

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ҳамда Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши тармоқ жамоа келишиви мажбуриятларининг 2022 йилда бажарилиши ҳамда 2023-2025 йиллар учун тузилган Тармоқ жамоа келишиви мажбуриятларининг 2022 йилда бажарилиши ҳамда 2023-2025 йиллар учун тузилган Тармоқ жамоа келишиви мажбуриятларини таъкидлайди.

Йигилишда мавзу юзасидан жамияти бошқаруви раиси в.б. Ҳ.Хосилов, тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Қ.Собиров, Иқтисодий таъкидларни туташкан бошқармаси бошлиги Н.Бабахонов, миңтақавий темир йўл узеллари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари касаба уюшмаси қўймитаси раисларининг хисоботларини туташкан. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан ўтган йилда 73 363 тонна ҳалқ ҳўжалиги юклари жўнатилиб, бу 2021 йилга нисбатан 101,2 фоизни ташкил ғориб, тармоқ жамоа келишивида кўрсатилган бандларнинг бажарилши учун эса 1 триллион 417 миллион ард 800 миллион сўм сарфлангани алоҳида айтиб ўтилди.

Шундан сўнг Республика кенгаши раиси юринbosari M.Розиметов сўзга чиқиб, янги Меҳнат кодекси жорий йил 30 апрелдан кучга киргани, қонунлар ва қонунности норматив-хуҷукларига киритиладан ўзгартиш ҳамда кўшимчалардан келиб чиқиб, янги таъриждаги Тармоқ жамоа келишиви лойиҳаси ишлаб чиқилганини қайд этди. Бу жараёнда корхона, ташкилот, мусассалар ходимларининг таклифлари мувлоҳазалари эътиборга олинганини таъкидлайди.

Федерация раиси юринbosari, Меҳнат инспекцияси бошлиги Қ.Қирғизалиев эса ходимларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш ҳамда меҳнат муносабатларига оид норматив-хуҷукий хуҷжаларига риоя этишдаги ишлаб аҳволини мунтазам назорат этиб бориш, бу борада тегишили чора-таддирлар режаларини ишлаб чиқиш юзасидан тавсиялар берди.

Йигилишда келгусидаги режалар белгилаб олинниб, 2023-2025 йиллар учун тузилган Тармоқ жамоа келишиви бир овоздан қабул қилинди.

**Шерзод ЮЛДОШЕВ,
Темирйўлчилар ва транспорт
қурувчилари касаба уюшмаси Республика
кенгаши бўлим мудири**



Жамоа келишиви қабул қилинди





АЧЧИҚҚҮЛГА БОҒЛИҚ АЧЧИҚ ХОТИРАЛАР

ёхуд ички туризм
ривожланишига халақит
бераётган айрим
муаммолар хусусида

«Ishonch» газетасининг шу йил 16 майдаги сонида ёритилган «Қаерда дам олиш арzon: Бўстонлиқдами ёки Дубайдар?» сарлавҳали мақолада Тошкент вилоятидаги дам олиш масканларида хизмат ҳақлари қимматлиги, арzonларида шароитлар талаб даражасида эмаслиги тўғрисида сўз юртиланган эди. Мен уни ўқигач, ўзим гувоҳ бўлган айрим воқеалар бўйича фикр-мулоҳазаларимни билдиришга аҳд қилдим.

Бир сафар қизим «Кўпчилик дам олиш кунлари оиласиравишида табиат қўйинида дам олади, биз ҳам борайлик», деб қолди. Бу гапдан сўнг ҳамма ишни йиғиштиридигу, Кизилот сари отландик. Биз ўтирган машина ҳайдовчиси ўша томонлардан экан, йўл-йўлакай тоғнинг гўзларини манзаралари, қишлоғининг шифобашҳо ҳавоси тўғрисида тўлқинланиб гапириб берди.

— Яқинда ички туризмни ривожлантириш масаласида ҳукумат одамлари келиб кетиши, — деди ҳурсанд бўлиб. — Шундан сўнг Қизилот массивидан токъача бўлган масофага янги асфальт ётқизилди. Жуда кўп журналистлар ва блогерлар келишиб. Қишлоғимизни телевизорда кўрсатишди. Лекин... — Ҳайдовчи негадир каловланди. Бир оздан кейин эса дангалини айтиб кўя қолди. — Бу йул четида савдо-сотиқ билан шуғуланаётган тадбиркорлару сомаспазларнинг бирортасиям маҳаллий аҳоли вақили эмас. Шундай бўйла да, журналистларга интиерьери беришибди, яна «Қишлоғимиз, қишлоғимиз» деган сўзларни бот-бот тақрорлашибди.

— У ҳолда нега шу ишларни ўзларингиз йўлга кўймайизлар? Нега шундай баҳаво жойда дам олиш, овқатланиш, ҳатто санитар хоналари очиб, тадбиркорлик қилмайлизад?

— Э, ўйқ, бизнинг қишлоқ аҳли бунақа тадбиркорлик қилмайди. Биринчидан, бунинг учун катта маблағ керак. Иккинчидан, банқдан пул олиб иш бошлашингиз биланоқ ҳўжайнинлик қилювчилар кўпаяди. Бунақа ортиқча даҳмаза кимга керак?

— Қандайлигидан қатни назар, ҳудуд тоzалигини ва ҳавоси мусаффилигини таъминлаш керак-ку. Дам оловчилар тоғ ёнбағридан қизғалдоқзорларни пайҳон этиб, адирларни ивриситиб кетмаслигини сизларнинг вакилларнинг назорат қилиб бориша, айни мудда бўларди...

Ҳайдовчи йигит бу гапимга ётириз билдиришди, айни чоғда, қўшилишини аниқ айтадиги. Елкасини қисганча, «Балки...» деб кўя қолди.

Навбатдаги дам олиш куни ўн нафарга якни ўқувчини Аччиққўлга олиб бордим. Манзилга яқинлашганимизда қозоқ мактабидан бир отахон чиқиб қўл кўтарди-ю, «Гапимга кирсаларинг, орта қайтинглар, йўл ёмон!», деди. Болалардан бирни бу ерга яқинда оиласиравиши кетишигани, йўл текис-равон бўлмаса-да, қатнаш мумкинлигини айтиб, ҳайдовчини қўндири. Ҳаял ўтмай сафаримизни давом этиридик. Ҳакиқатан ҳам, йўл ағбор экан. Машиналар юраверишидан пайдо бўлган тик йўлдан суви кўм-кўк қўл олдига тушдик. Баҳаво жой экан. Бироқ болаларнинг бирдан кайфияти тушб кетиб, Аччиққўлга келиш ташаббуси билан чиқсан синдошларини койиб бошлашибди. Сабаби, чор-атроф чиқиндиларга тўлиб-тошиб, иврисигандан иврисиб ётарида...

— Келинглар, машинадан нарсаларимизни туширишдан олдин қаерда дам оладиган бўлсақ, ўша ерин тоzалигимиз, — дедим мен ташабbusкорлик кўрсатиб. Сўнgra қўлига полиэтилен кўлқопчай кийиб, ерда сочилиб ётган сув бир марталик овқат идишларини, салафан копчалар, болалар тагликлари ва бошқа чиқиндиларни йиға бошладим. Болалар ҳам бу ишга қўшилгач, ҳаш-паш дегунча, каттагина майдонни тоzалаб кўйдик. Йиғилган ташлантиқ махсулотларни машинага юклади.

Ҳаво булути бўлгани туфайли дарахтис жойга «чодир тикидик». Гилам ёзиб, дастурхон безатдик. Болаларга имкон қадар ён-атрофа бирор нарсани ташламасликни тайинладим.

Бир аёл қатиқ, гўжа сотиб юрган экан. Уни сұхбатга тортдим:

— Бу ерига Аччиққўл деб аталади? (Уном таҳтакач ва ўйлўрсаткичларга «Ачиқуль» деб ёзилганди).

— Суви нордонлиги учун. Бу қўл ҳақида талай афсоналар бор. Масалан, биттасига кўра, кеска аёлнинг болаларини тунда ёё ўлдириб кетади. У тинимиз юргиб, кўз ёш тўқаверганидан шу қўл ҳосил бўлиди. Қандайлигидан қатни назар, қўлнинг суви шўрлиги рост.

— Сиз шу ерлик бўлсангиз, ҳудудингиз тоzалиги учун курашмайсизми?

— Курашавериб чарчадик. Танбеҳ берсак, «Сен қатигининг сотиб, жим юравер», дейдиганлар ҳам топилади. Баъзилари ўзлари олиб келган ичкликларни ичиб, шиша идишларини синдириб кетишида. Шиша эса на чириди, на ёнади...

Ўша ҳудудда болаларни отда сайр қилдириб юрган йигитлар ҳам дам оловчиликни тартибида қаҳиришгани заррacha фойда бермаганини таъкидлашибди.

— Атрофи тоzалад, дам олиш, вақтларни жойлари, ҳатто ҳожатхона ҳам куриб, кўпроқ даромад ортириш мумкин эмасми?..

— Бу ўз-ўзидан бўлмайди. Олдин йўлларни созлаш, қўл атрофида иншоотларни тиклаш, хулас, жуда кўп елиб-тўғуриш керак...

Кўл бўйдаги таҳтакачларига қаерда дам олиш пули экан ёзилган. Балки у кўлнинг нариги тарафида вақтнинчалик барпо этилган бинолар ва дарахтзор атрофидар. Буну аниқлаш учун болаларни ташлаб кета олмадим. Чор атроф ҳолига маймунлар йиғлайдиган даражада ҳароб.

Дафъатан чиқиндиларни териб, катта қопга солаётган йигитга кўзим тушди. Айтишича, у Чирчикдан дам олишга келган экан. Аввало, йўл ёмонлиги, кейин мухит тоzалиги бўиб бу ерга бошқа кемаслигини билдири. Чиқиндиларни нега териб юрганини сўрасам, «Ҳамма ўзидан ҳаётда қандайдир из қолдиради. Мендан шу ерининг тоzалиги қолсан», деди. Исимни айтади, суратга олишимга ҳам изн бермади. Орамизда бундай ҳамси инсонлар кўп. Лекин дам оламан, деб табиатга зарар етказётганлар туфайли уларнинг меҳнати кўзга кўринмайти. Йўл бўйларида сотилаётган айрон, гўжа сингари ичимликлар сифати ҳам гигиена талаблаги жавоб бермайди.

Хуллас, биз Аччиққўлдан ана шундай хира хотира-лар билан қайтдик. Ҳолбуки, Тошкент вилоятida зиёрратгоҳлар, қадамжолар, дам олиш масканлари, кўнгилочар жойлар кўп. Аммо ўзимиз ҳордиқ чиқа-радиган жойларни хароб қилиб қайтсан, эртага табиат биздан ўч олмайдими? Масульлар бу му-аммоларни атрофлича ўрганиб чиқиб, мавжуд ха-то-камчиликларни бартараф этиши бўйича қатъий чора-тадбирлар кўрсалар, фойдадан холи бўлмасди.

Манзура ШАМС

Акс-садо

Эллик йилда эл янгиланар, деганларидек, янги замон, янгича яшаш тарзи кўп нарсаларни ўзгаририб юборди. Ҳар бир даврнинг ўз қадриятлари, тартиб-қоидалари, үдум-одатлари, фарзандларга айтиладиган ўйтлари бўлар экан. Оддий гугурт чўпини тежаб ишлатишига ўрганган, суви қочган нонни талқонга айлантириб истеъмол қиладиган, коса четига инган ёғни ҳам исроф қилмайдиган кексалар сафи сийраклашиб бормоқда. Янги авлод ўзининг бугунги ўй-фирклари, янгича орзу-ниятлари, замонга ҳамоҳанг қадриятлари билан яшамоқда. Янгича нафас олмоқда. Бунинг ёмон жойи йўқ, албатта. Аммо шу янги ҳаётнинг кўнгилни хира қиладиган, ташвишланишига ва безоталанишига арзирли кўп «жиҳат»лари ҳам борки, уларга бефарқ қараш инсонин одобга кирмайди. Таассуфки, мағзавани ариқча оқизаётган, нон бўлакларини ахлатга ташлаётган, ернинг умрини ўтказаётган, ичимлик сувни исроф қилаётган, табиятга, ҳайвонот дунёсига тузалмас зарар етказаётган кишилар, корхоналар, турфа ташкилотлар ҳар қадамда учрайди. Баъзи кўпқаватли уйларда чиқиндини қоғоз халтага ўраб, белини боғлаб, кечки ғира-ширада балкондан пастга отиш урф бўлган, десам, ишонаверинг. Фаррош аёллар бундай уйларни, уларда яшаётган одамларнинг касб-кори, амал даражаларини яхши билишади. Аммо, улуғ адаб Чингиз Айтматов айтганидек, бундай уйлар, оиласларнинг ҳар бири ёнига биттадан маънавий назоратчи қўйишнинг иложи йўқ. Назорат инсоннинг вижондона, иймон-этиқодида бўлиши керак. Акс ҳолда, сўзимиз ва амалимиз ўртасидаги тафовут жиддийлашиб бораверади.

Мушоҳада



Идишда қолган бир пиёла сув

Истиқолол туфайли ҳалол меҳнатимиз, иштеводимиз билан тоғидиган даромадимизга ҳеч қандай тўсиқсиз эгал қилиш, фарзандларга мерос қилиб қолдириш ҳуқуқини кўлга киритдик. Завод, фабрика, кўшма корхона ташкил этиши, замонавий ўй қуриш, автомашина сотиб олиши, ҳорижда дам олиш бугун оддий юмуш бўйлиб қолди. Омад куши пешонамизга қўнганинг натижасида бу. Шундай яшаётга, тўқ-тўқис ҳаёт кеширишга, дунён кезишига ҳаклимиз, албатта. Бироқ ҳақли бўлишда ҳам маълум мөъёр зарурга ўшайди. Бир тоифа одамларда, нима ёки қандай қилиб бўлса-да, қонун-қоидаларни четлаб ўтиб ҳам мулкдор бўлиш, ҳамма нарсани ўз фойдасига ҳал қилиш, ўзгалирни ўзлаштириш, ўзидан бошқани кўрмаслик, тан олмаслик, йўлини тўсиҳни ишишёни шу қадар чукикли, бундай «иштаҳа» маънавий-эҳлоқий жиҳатдан тушуниш ҳам, изоҳлаш ҳам мушкул.

Бундан бир неча йил аввали

таҳририята келган бир мактубни сира унтуга олмайман. Мактуб муаллифи олий ўкун юртларидан бирининг оиддиги, камсугу, ортияни ўқитувчиси. Яни қадр ростлаётган маҳаллалардан бирда ўзи йиққан-терган маблағ ҳисобига елиб-югуриб курган ҳовлида яшайди. Шароити ёмон эмас, аммо турмушни энди изга тушиб, ёғини узаттишида... ҳовлини сотиб, бу ердан кўчиб кетишига мажбур бўлмокда экан. Бориб куриб, муаммо нишадиганни дархол тушундим.

Янги маҳалла, ҳайбатидан от ўрнга иштеноғида қаёвада яшайди. Шароити ёмон эмас, аммо турмушни энди изга тушиб, ёғини узаттишида... ҳовлини сотиб, бу ердан кўчиб кетишига мажбур бўлмокда экан. Бориб куриб, муаммо нишадиганни дархол тушундим.

Атроф-мухитда зиён етказамаслик, озодалик, саронжом-сарышталик, моддий неъматларни исроф қилимаслик, инсон зотининг, у қаерда яшашидан қатни назар, онгида, тарбиясида бўлиши.

Истиқолол ортиқ хонани эринмай, бирма-бир кўрсатди. Бирни иккинчига ўхшамайди, «Курганимга уч йил бўлди, баъзи хоналарига ҳозиргача кирган эмасман, ишм тизиг, яна курилиш қўялпам», дейдиги. Кечқурун телевизор кўраётган, айрим фикрлари ёзиб олмокчи бўлдим, аммо хонама-хона юриб ҳам бир вақаф қоғоз, эски газета ёки журналини топа олмадим. Салобатли ўй менга ажабланғиб қараб турарди. Эртасига биласам, бу ўй мехмонлар учун курилган бўлиб, тадбиркорнинг ўзи оиласи билан бошқа – эл қатори ўйда яшар экан. Унга ўз ўйидаги мәхмон бўлиб қолди. Ўнга ўз ўйидаги мәхмон бўлиб қолди. Ўнга ўз ўйидаги мәхмон бўлиб қолди.

Истиқолол ортиқ хонани эринмай, бирма-бир кўрсатди. Бирни иккинчига ўхшамайди, «Курганимга уч йил бўлди, баъзи хоналарига ҳозиргача кирган эмасман, ишм тизиг, яна курилиш қўялпам», дейдиги. Кечқурун телевизор кўраётган, айрим фикрлари ёзиб олмокчи бўлдим, аммо хонама-хона юриб ҳам бир вақаф қоғоз, эски газета ёки журналини топа олмадим. Салобатли ўй менга ажабланғиб қараб турарди. Эртасига биласам, бу ўй мехмонлар учун курилган бўлиб, тадбиркорнинг ўзи оиласи билан бошқа – эл қатори ўйда яшар экан. Унга ўз ўйидаги мәхмон бўлиб қолди. Ўнга ўз ўйидаги мәхмон бўлиб қолди. Ўнга ўз ўйидаги мәхмон бўлиб қолди.

Истиқолол ортиқ хонани эринмай, бирма-бир кўрсатди. Бирни иккинчига ўхшамайди, «Курганимга уч йил бўлди, баъзи хоналарига ҳозиргача кирган эмасман, ишм тизиг, яна курилиш қўялпам», дейдиги. Кечқурун телевизор кўраётган, айрим фикрлари ёзиб олмокчи бўлдим, аммо хонама-хона юриб ҳам бир вақаф қоғоз, эски газета ёки журналини топа олмадим. Салобатли ўй менга ажабланғиб қараб турарди. Эртасига биласам, бу ўй мехмонлар учун курилган бўлиб, тадбиркорнинг ўзи оиласи билан бошқа – эл қатори ўйда яшар экан. Унга ўз ўйидаги мәхмон бўлиб қолди. Ўнга ўз ўйидаги мәхмон бўлиб қолди. Ўнга ўз ўйидаги мәхмон бўлиб қолди.

Истиқолол ортиқ хонани эринмай, бирма-бир кўрс

